

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил июль ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, судья ёрдамчиси П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчи А.Кенжабоев ва унинг химоячиси-адвокат Ш.Абдураззакованинг иштирокида, Кенжабоев Абдусалом Абдураимовичга нисбатан 1-1502-2301/243-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Кенжабоев Абдусалом Абдураимович 1956 йил 28 май куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Фарғона тумани, Пастки арча м.ф.й., Қуйи арча кўчаси, 137-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 30 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Кенжабоев Абдусалом Абдураимович 2023 йил баҳор ойининг бошларида ўзи яшаб келаётган Фарғона тумани, Пастки арча м.ф.й., Қуйи арча кўчаси, 137-уйдаги яшаш хонадони томорқасида 1x5 кв м³ ер майдонида жами 2 туп “наша” гиёхвандлик ўсимлигини ўсиб чиққанини кўриб, ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзи истеъмол қилиш мақсадида, уларни юлиб юбормасдан, 2023 йил 1 июнь кунига қадар яшаш хонадони томорқасида етиштириб, парваришлаб келган.

2023 йил 1 июнь куни Фарғона тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Фарғона тумани, Пастки арча м.ф.й., Қуйи арча кўчаси, 137-уйда яшовчи Кенжабоев Абдусалом Абдураимовичнинг яшаш хонадони томорқаси холислар иштирокида кўздан кечирилганида 2 туп “наша” гиёхвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни остки қисмига агротехник ишлов берилган ҳолда парваришлаб, ўстириб келаётганлиги аниқланиб, ушбу ўсимликлар баргларида экспертиза текшируви учун намуналар олиниб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Суд кимёвий экспертизасининг 2023 йил 3 июндаги 573-сонли хулосасига кўра, А.Кенжабоевнинг яшаш хонадонида аниқланган ўткир ҳидли, яшил



рангли ўсимлик моддаси таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги аниқланиб, бу ўсимлик “Каннабис” наша ўсимлиги эканлиги кўрсатилган.

Фарғона тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Ғ.Раимов томонидан берилган хулосада А.Кенжабоевнинг томорқасида аниқланган 2 туп наша гиёҳвандлик ўсимликлари агротехник ишлов берилиб, парваришлаб келинаётганлиги кўрсатилган.

Суд наркололик экспертизасининг 2023 йил 7 июндаги 345-сонли хулосасида А.Кенжабоев гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаслиги ҳамда гиёҳвандлик касаллиги билан мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Кенжабоев судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил баҳор ойида яшаш хонадони томорқасида 2 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги униб чиққанини, ўсиб чиққан наша ўсимлигини ўзини истеъмоли учун парваришлаб келганини, уйдаги томорқа ишлари билан ўзи шуғулланиб келишини, томорқасида наша ўсимликларини парваришлаб келаётганидан оила аъзоларини хабари бўлмаганини, 2023 йил 1 июнь куни яшаш уйига туман ИИБ ходимлари келишиб, ўзларининг хизмат гувоҳномасини кўрсатишиб, “Қорадори-2023” тадбири ўтказиб келинаётганлиги сабабли томорқани кўздан кечиришини айтишганида у бунга рози бўлганини, ИИБ ходимлари холисларни иштирокида томорқасини кўздан кечиришган вақтда, у томонидан парваришлаб келаётган жами 2 туп наша ўсимлигини топишганини, сўнг мазкур моддаларни у ва холисларни иштирокида санашган вақтда жами 2 туп наша ўсимликлари эканлигини аниқлашганини, сўнг ИИБ ходимлари холисларни иштирокида мазкур ўсимлик шохларидан махсус конвертга намуна олишиб ва қолган қисмини ёқиш йўли билан йўқ қилишганини, уни мазкур гиёҳвандлик моддаларини келгусида сотиш орқали моддий манфаатдорлик кўриш мақсади бўлмаганини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, ёшини инobatга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, гувоҳ Ғ.Раимов судда, ҳақиқатан ҳам, 2023 йил 1 июнь куни Фарғона тумани маъмурий ҳудудида ўтказилаётган “Қора дори-2023” тезкор-тадбири давомида ИИБ ходимларини таклифига кўра мутахассис сифатида қатнашганлигини, Фарғона тумани ИИБ ходимлари билан судланувчи А.Кенжабоевнинг Фарғона тумани, Пастки арча м.ф.й., Қуйи арча кўчаси, 137-уйи томорқаси кўздан кечирилганда, томорқасининг 1,5 кв.м экин майдонида бўйи 50-60 см атрофида бўлган жами 2 туп “наша” ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни остки қисмига агротехник ишлов берилган ҳолда парваришлаб, ўстириб келаётганлиги аниқланиб, ушбу ўсимликлар барглари ва бошоғидан экспертиза текшируви учун намуналар олиниб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ҳақида кўрсатув берди.



Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Бундан ташқари, А.Кенжабоевнинг айби билдирги (и.в. 3), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва унга илова қилинган фото суратлар (и.в. 4-14) тушунтириш хатлари (и.в. 15-19), мутахассис хулосаси (и.в. 20), судга оид кимёвий экспертиза хулосаси (и.в. 22), наркология диспансери хулосаси (и.в. 38), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор ва қвитанция (и.в. 47-48) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 16-бандида “Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда бундай ўсимликларни экиш ва етиштириш учун махсус шароит яратиш, шунингдек, уларни экиш ва етиштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш, янги навларини яратиш, ҳосилдорлигини ва мавжуд иқлим шароитига чидамлилигини ошириш фаолиятини тушуниш лозимлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Кенжабоевнинг келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай, таъқиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиб, етиштириш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Кенжабоевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда,



судланувчи А.Кенжабоевнинг айбига тўлиқ иқроор ва пушаймонлигини, оилавий аҳволини, соғлигини, ёштини, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолаб, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони ижро қилишни Фарғона тумани ички ишлар бўлими зиммасига юклашни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

Шунингдек суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилиб, Фарғона тумани ИИБ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган наша ўсимлиги намуналарини йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465, 468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Кенжабоев Абдусалом Абдураимович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Кенжабоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан яшаш жойини, яъни Фарғона тумани, Пастки арча м.ф.й., Қуйи арча кўчаси, 137-уйни у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22⁰⁰ дан 06⁰⁰ га қ

а Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

а Жазони ижро этиш Фарғона тумани ИИБ жазони ижро этиш инспекциясига юклатилсин.

А.Кенжабоевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

қ Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Фарғона тумани ИИБ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган наша гиёҳвандлик ўсимлиги намуналари йўқ қилинсин.

н Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Фарғона вилоят судига йигирма сутка ичида апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

е Раислик қилувчи (имзо) А.Эргашев

л нусхаси аслига тўғри,
а Жиноят ишлари бўйича

ш Фарғона туман судининг раиси А.Эргашев

д
а
н

